РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ ПРОФИЛАКТИКАСИДАГИ ИННОВАЦИОН АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Муроджон Ичақжон ўғли РЎЗМЕТОВ
катта ёрдамчи
Хоразм вилояти Урганч шаҳар прокуратураси
Урганч, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада рақамли трансформация шароитида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда инновацион ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган. Тадқиқот натижасида рақамли профилактикани таълимий, техник ва ҳуқуқий йўналишлар асосида комплекс ташкил этиш зарурлиги асосланган. Шунингдек, мактабларда «Рақамли ҳуқуқ» таълимини жорий этиш, медиасаводхонликни кучайтириш, ёшни текшириш ва ота-она назорати тизимларини ривожлантириш ҳамда ижтимоий медиа платформаларига мажбурий талабларни белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: рақамли трансформация, вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, рақамли профилактика, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли ҳуқуқ, медиасаводхонлик, ота-она назорати, ёшни текшириш тизими, ижтимоий медиа платформалари.

РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОФИЛАКТИКЕ РАННЕГО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

Муроджон Ичакжон угли РУЗМЕТОВ
старший помощник
Прокуратура города Ургенч,
Хорезмская область
Ургенч, Узбекистан

Аннотация

В статье исследованы возможности использования инновационных информационно-коммуникационных технологий для раннего предупреждения правонарушений среди несовершеннолетних в условиях цифровой трансформации. По результатам исследования обоснована необходимость комплексной организации цифровой профилактики на основе образовательного, технического и правового направлений. Кроме того, разработаны предложения по внедрению обучения «Цифровое право» в школах, повышению уровня медиаграмотности, развитию систем

верификации возраста и родительского контроля, а также установлению обязательных требований к платформам социальных сетей.

Ключевые слова: цифровая трансформация, несовершеннолетние, раннее предупреждение правонарушений, цифровая профилактика, информационно-коммуникационные технологии, цифровое право, медиаграмотность, родительский контроль, система верификации возраста, платформы социальных сетей.

Ахборот-коммуникация технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ янги турдаги ҳуқуқий муносабатлар вояга етмаган шахсларга сезиларли таъсир кўрсатади, уларнинг хулқ-атвор стереотиплари ва қонуний/ноқонуний хатти-ҳаракатлар, оғиш ва ҳуқуқбузарлик тушунчаларига қарашларини ўзгартиради [1]. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ривожланиши билан вояга етмаган шахсларнинг шахсиятига таъсир қилишнинг янги манбалари (веб-мулоқотнинг янги воситалари, ижтимоий тармоқлар ва бошқалар) пайдо бўлиб, уларнинг психологик портретининг (шахсият хусусиятлари) янги хусусиятларини шакллантиради. Бугунги кунда, вояга етмаган шахслар доимий равишда ўзгариб турадиган ахборот маконида яшайдилар, бу эса уларга кўпинча салбий таъсир кўрсатади.

Болаларда вояга етмаганлар жинояти хавфини оширади деб ҳисобланган турли хил индивидуал (ички) ва ташқи омиллар мавжуд. Ижтимоий муҳитнинг таъсири ва ижтимоий ландшафт билан боғлиқ муаммолар ташқи омилларнинг (сабабларнинг) асосий намуналари ҳисобланади. Улар мамлакат ёки минтақадаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни, шунингдек, хавфсизлик, ижтимоий фаровонлик ва бошқалар билан боғлиқ муаммоларни ўз ичига олади. Бу омил кўпинча тадқиқотларда энг муҳимларидан бири сифатида тилга олинади [2]. Иккинчи ташқи хавф омили – бу сўнгги ўн йилликларда оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларнинг болалар психикаси ва воқеликни идрок этишига таъсири [3]. Учинчи омил – бу инқироз ҳодисалари ва ноқулай оилавий микроиқлим. Оилавий инқирозлар (жанжаллар, ажралиш, алоҳида тарбия) кўпинча жиноятчи хатти-ҳаракатларнинг асосий сабаблари сифатида тилга

олинади. Агар шахс ёшлигида ота-онасидан етарлича эътибор ва ғамхўрлик олмаса, оилада салбий психологик муҳит, зўравонлик бўлса, ота-онасининг ноўрин ҳаракат қилаётганини кўрса ва бошқа ҳоказолар туфайли унинг хатти-ҳаракати ўзгариши мумкин [4].

Биз мазкур омиллардан иккинчи ташқи хавф омилини, яъни бугунги онлайн дунё вояга етмаган шахсларга турли хил ижтимоий медиа платформаларига бепул кириш имконини бериб, маълум бир даражада фойда келтираётган бўлса ҳам, бироқ вояга етмаган шахсларнинг руҳий саломатлиги ва фаровонлиги учун реал хавф туғдирмоқда десак, албатта адашмаган бўламиз. Вояга етмаган шахсларнинг физиологик хусусиятлари туфайли улар ўзларининг руҳий ва жисмоний саломатлигига таҳдид солаётганини объектив равишда англай олмайдилар, шунингдек, шубҳали хабарлар, видеолар ва бошқа контентни ўз ичига олган ноқонуний контентни яратиш ва кўришнинг потенциал ҳуқуқий оқибатларини тушунмайдилар. Вояга етмаган шахслар Республикамизнинг қонунлари билан тақиқланган материалларни нашр этишнинг потенциал ҳуқуқий оқибатларининг тўлиқ кўламини англай олмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2026 йил 5 январь ПҚ-1-сонли қарорида фуқаролар томонидан маҳалла профилактика инспекторлари билан онлайн мулоқот қилиш, фото, аудио, видео ва ташвиш хабарларини юбориш, шунингдек, уларнинг фаолиятига баҳо бериш имкониятини берувчи «Менинг инспекторим» мобил иловасини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш чораларини кўриш белгилаб берилди [5].

Ушбу ҳолатларда шуни инобатга олиш лозимки, .интернетнинг қулайлиги ва очиқлиги кўплаб муаммоларни, масалан, ёлғон маълумотларнинг тарқалиши, киберҳужумлар ва ўйинларга қарамлик каби муаммоларни келтириб чиқарди, бу эса вояга етмаган шахсларнинг

жисмоний ва руҳий саломатлиги ҳамда шахсий хавфсизлигига жиддий таҳдид солади [6].

Бугунги кунга келиб, компьютер тармоқларининг яратилиши ва глобал алоқанинг кенгайиши билан ижтимоий ҳаёт янги босқичга ўтди ва инсоннинг «иккинчи ҳаёти» деб аталадиган виртуал макон пайдо бўлди. И.С.Ашманов ижтимоий тармоқлар орқали вояга етмаган шахсларга «оммавий хулқ-атвор»нинг амалда юкланишига ишора қилиб, ушбу жамиятга хос эмас деган.фикрни илгари сурди. Унинг таъкидлашича, ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларни доимий равишда маълум бир тарзда ўзини тутишга ўргатилади, янги рефлекслар юклатилади. Масалан, флешмоблар оммавий автоматик реакциялар одатини ривожлантиради. Эстафета пойгалари, тестлар ва ўйинларда иштирок этиш одамларни оммавий равишда мурожаатларга амал қилишга ўргатади. Натижада, фойдаланувчилар, ўзлари ҳам сезмаган ҳолда, тарғибот ва ахборот урушларининг иштирокчиларига айланадилар.

Бугунги кунга келиб, .жаҳон ҳамжамияти ёш авлоднинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришга қаттиқ ҳаракат қилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий асослари «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция, «Фуқаролик жавобгарлиги ва иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пакт ва бошқаларга асосланган. Бироқ, турли мамлакатлар ҳар томонлама назоратни ўрнатишдан (Хитой, Беларусь, Эрон, БАА, Шимолий Корея ва бошқалар) тортиб, ўзини ўзи бошқариш ва «кичик ҳукумат аралашуви» тамойилларигача (Европа Иттифоқи, Буюк Британия ва АҚШ) қарама-қарши ҳуқуқий механизмларга таяниб келмоқда.

Жаҳон ҳамжамияти ижтимоий тармоқлар ва онлайн ресурсларда ушбу ҳодисаларга қарши курашиш учун ҳуқуқий асос яратишга ҳаракат қилмоқда, бу тўлиқ ёки сезиларли даражада ҳукумат назоратидан (Шимолий Корея, Хитой, Беларусь ва Бирлашган Араб Амирликлари) тортиб, вояга етмаган шахсларнинг шахсий ҳаётини бузмасдан нисбий эркинликка қадар

ва кенг кўламли профилактика чоралари (Буюк Британия, Германия ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари)гача бўлган ҳуқуқий асосларни яратишга ҳаракат қилмоқда.

2022 йилда Словакияда аудиовизуал медиа хизматлари учун янги кенг қамровли ҳуқуқий асос – «Медиа хизматлари тўғрисида»ги 264/2022-сонли қонун, «Медиа хизматлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар ва бошқалар онлайн платформаларда ноқонуний контентнинг тарқалишининг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмни яратиш мақсадида кучга кирди. Умуман олганда, Ғарбий Европа мамлакатлари устозлик, ҳуқуқий ва рақамли профилактика ва бошқа чоралар орқали вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий мослашувига катта эътибор қаратмоқда.

Хусусан, Европа Иттифоқининг ҳуқуқий механизмлари Digital Services Act (DSA) – бу болалар ва ёш фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашдаги стратегик ҳужжат бўлиб, унда:

– онлайн платформалардаги ноқонуний ва болалар учун хавфли контентни аниқлаш ва олиб ташлаш мажбурияти;

– ёшга мос бўлмаган профилга реклама тақдим этилишининг тақиқланиши;

– платформаларда хавфсизлик ва махфийлик стандартларини ошириш талаб этилади [7].

Мазкур чора-тадбирлар онлайн хизмат кўрсатувчи компанияларни болалар хавфсизлигини тартибга солишга мажбур қилади. Бизнинг назаримизда, мазкур чора-тадбирлар орқали албатта бу вояга етмаган шахслар орасида турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича рақамли профилактика ҳисобланади.

Рақамли профилактика – бу муаммо юзага келганидан кейин жазолаш эмас, балки олдиндан огоҳлантириш ва ҳимоя қилиш чораларидир. Рақамли профилактика уч йўналишда олиб борилади:

1) таълимий профилактика – мактаб дарслари, тренинглар, медиа саводхонлик;

2) техник профилактика – фильтрлар, ёшни текшириш тизимлари, парентал назорат;

3) ҳуқуқий профилактика – платформаларга мажбурият юкловчи қонунлар (масалан, Европада DSA талаблари каби).

Ғарбий Европа мамлакатлари рақамли профилактика сифатида Safer Internet Centresдан фойдаланиб вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий мослашувига катта эътибор қаратмоқда. Safer Internet Centres – Европа Иттифоқи ташаббуси асосида ташкил этилган миллий марказлар тармоғи бўлиб, болалар ва ёшларни интернетдаги хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Улар European Commission томонидан қўллаб-қувватланади ва Better Internet for Kids (BIK+) стратегияси доирасида фаолият юритади.

Safer Internet Centres (SIC)ларнинг асосий вазифалари:

1) ахборот ва тренинг – ўқитувчилар, ота-оналар ва болалар учун рақамли хавфсизлик бўйича семинарлар;

2) helpline (ишонч линияси) – болалар ёки ота-оналар интернетдаги муаммолар (кибербуллинг, шантаж, ноқонуний контент) бўйича маслаҳат олиши мумкин;

3) hotline – ноқонуний контент (масалан, болаларга қарши зўравонлик материаллари) ҳақида хабар бериш тизими;

4) таълим ресурслари – дарс ишланмалари, методик қўлланмалар, видеолар ва интерактив материаллар.

2024 йилда Австралия Вакиллар палатаси 16 ёшгача бўлган болалар учун ижтимоий тармоқларни тақиқлаш бўйича қатъий қадам ташлади ва шу мақсадда қонун лойиҳасини қабул қилди. Бунда 102 аъзо ушбу чекловни ёқлаб овоз берди, 13 нафари эса қарши чиқди. Бу мамлакатдаги йирик сиёсий кучларнинг ўзгаришларни қўллаб-қувватлашда бирдамлик кўрсатишининг ноёб намунаси эканлиги таъкидланди. Таклиф этилаётган қонун ижтимоий медиа платформаларидан вояга етмаган

шахсларни ҳимоя қилишни таъминлаш учун оқилона чоралар кўришни талаб қилади.

Тизимли қоидабузарликлар учун компанияларга 50 миллион долларгача жарима солиниши мумкин. Унинг қабул қилинишидан сўнг, Австралия тақиқни амалга ошириш учун биометрик маълумотлар ёки ҳукумат томонидан берилган идентификацияни ўз ичига олган янги тизимни синовдан ўтказишни бошлаши кутилмоқда. Қонун Австралия парламентида 2024 йилда қабул қилинган ва унинг асосий қоидалари 2025 йилдан кучга кирган.

Қонун (Online Safety Amendment (Social Media Minimum Age) Act)нинг асосий мазмуни:

– 2025 йил 10 декабрдан бошлаб, 16 ёшдан кичик бўлган шахслар Австралияда ижтимоий тармоқларда аккаунт очолмайди ва ундан фойдаланмайди;

– ижтимоий тармоқ платформалари (масалан, Facebook, Instagram, Snapchat, TikTok, X, Reddit, ва YouTube) 16 ёшгача бўлган фойдаланувчиларнинг аккаунтларини блоклаш ёки очилишига йўл қўймаслик учун «мумкин бўлган чоралар»ни амалга ошириши шарт;

– агар платформалар ёшни текширмасликда ёки тақиққача риоя қилмасликда «муносиб чораларни кўрмаса», уларга 50 миллион Австралия доллари миқдорида жарима қўйилиши мумкин.

2024 йил февраль ойида Канада ҳукумати Парламентга «Онлайн зарарлар тўғрисида»ги қонунни тақдим этди, бу Қонун онлайн платформаларни зарарли контентга қарши курашиш ва Канададаги барчани, айниқса болаларни ҳимоя қиладиган хавфсизроқ онлайн муҳит яратиш учун жавобгар қилади.

Хитой 2024 йилда 2020 йилда қабул қилинган «Вояга етмаганларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни қайта кўриб чиқиб, «Интернетда вояга етмаганларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Низомни қабул қилди. Мазкур Қонуннинг иккита моддаси мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак,

масалан, 14-моддасида «...туман даражасидаги халқ ҳукуматлари оқилона ривожланишни илмий жиҳатдан режалаштириши, интернет ижтимоий фаровонлик хизматларининг мувозанатли ва мувофиқлаштирилган ривожланишини таъминлаши, жамоат маданий иншоотлари қурилишини кучайтириши, бу эса вояга етмаганлар учун интернетга кириш шароитларини яхшилаши керак...», 17-моддасида «Вояга етмаганларнинг ота-оналари (васийлари) оилавий таълим ва оилавий анъаналарни ривожлантиришни кучайтириши, ўзларининг интернет саводхонлигини ошириши, интернетдан фойдаланишда вояга етмаганларнинг хатти-ҳаракатларини намойиш қилиш, йўналтириш ва назорат қилишда ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солишлари шарт» деб белгиланган.

Германияда асосий эътибор вояга етмаган шахслар ва катта ёшдагилар ўртасида фаол рақамли профилактика ишларига, онлайн профилактика дастурларини амалга оширишга ва ёш авлодни кибербуллинг, радикализм ва онлайн фирибгарлик каби ижтимоий тармоқларнинг хавфлари ҳақида ўқитишга қаратилган.

Европа мамлакатларидан олинган маълумотларга кўра, вояга етмаган шахслар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш бўйича турли хил профилактик таълим дастурлари ва турли жамоат ташкилотларининг ташаббуслари жиноятчилик даражасининг пасайишига доир аниқ тенденцияни кўрсатмоқда. Ёш авлодга тўғри ва масъулиятли танлов қилишга ёрдам беришда профилактика чоралари муҳим роль ўйнаши тан олинган. Шунга ўхшаш ишлар Эрон, Хитой ва бошқа Осиё мамлакатларида ҳам олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғи ва ривожланишига зарарли бўлган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 2017 йил 8 сентябрь ЎРҚ-444-сонли қонуни амал қилади. Бу Қонун интернетда вояга етмаганларни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий муҳит яратади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг . «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли

ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2026 йил 5 январь ПҚ-1-сонли қарорида оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида низоли оилалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш имконини берадиган “E-ijtimoiy profilaktika” ва ахборот тизимининг “E-nizoli oila” модулини жорий этиш ва модулни судлар ўртасида тўғридан-тўғри интеграция қилиш чораларини кўриш белгилаб қўйилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёш авлодга қарши катталар ва вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун нафақат болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жазони аниқ белгилаш, балки хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, таълим ходимлари, жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари орқали комплекс кураш олиб боришимиз керак. Шуни чуқур англаган ҳолда тан олиб айтишимиз мумкинки, фақатгина комплекс ёндашув мобил алоқа ва интернетнинг ёш авлодга ҳалокатли таъсирини бартараф этишга ёрдам беради.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғи ва ривожланишига зарарли бўлган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-444-сонли қонунига *ижтимоий медиа платформаси провайдерлар* – фойдаланувчиларга интернет орқали ўзаро мулоқот қилиш, контент (матн, фото, видео) яратиш, алмашиш ва виртуал ҳамжамиятларда иштирок этиш имконини берувчи техник инфратузилма ва дастурий таъминотни тақдим этувчи компаниялар ёки ташкилотлар; *ижтимоий медиа хизмати* – Facebook, TikTok, YouTube, Snapchat, Instagram ва бошқа шу каби платформалар орқали брендни танитиш, мижозлар билан мулоқот қилиш ва сотувларни оширишга қаратилган профессионал фаолият; *ёшга қараб чекланган ижтимоий медиа платформаси* – 15 ёшга тўлмаган болалар учун чекланган Facebook, TikTok, YouTube, Snapchat, Instagram ва

бошқа шу каби платформалар; *ёши чекланган фойдаланувчи* – 15 ёшга тўлмаган болалар эканлиги хусусидаги тушунчаларни киритиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1-сонли қарори https://www.lex.uz/docs/-7973611

2. Goldson B. (2018). Juvenile justice in Europe: Past, present and future. Routledge; Gungea, M., Jaunky, V. C., Ramesh, V. (2017). Personality traits and juvenile delinquency. International Journal of Conceptions on Management and Social Sciences, 5(1), 42–46.

3. Delcea, C., Fabian, A. M., Radu, C. C., Dumbrava, D. P. (2019). Juvenile delinquency ˇ within the forensic context. Romanian Journal of Legal Medicine, 27(4), 366–372.

4. Batysheva, I. V. (2021). The main criminogenic factors influencing the activity of crime among minors. Bulletin of St. Petersburg University of the Ministry of Internal Affairs of Russia, 1(89), 88–93.

5. Gungea, M., Jaunky, V. C., Ramesh, V. (2017). Personality traits and juvenile delinquency. International Journal of Conceptions on Management and Social Sciences, 5(1), 42–46.

6. Турунова М. Противодействие влиянию сети «Интернет» на преступное поведение несовершеннолетних: дис. ... канд. юрид. наук. СПб., 2023. 242 с.

7. Хакбердиев С.А. The importance of innovative information and communication technologies in the prevention of violence among minors. “Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasi axborotnomasi” ilmiy jurnali 2026, №1 (7). Б-377.